

## Абулмаъоний Сайид Собитхон тўранинг ҳаёт йўллари (иккинчи мақола)



17:00 / 15.12.2021 2360

Ривоят қилишларича, бир куни Ҳазрат Абул-маъоний тушида жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришга муяссар бўлади. У зот Собитхон тўрага «Ватанга қайтинг» ишорасини қиладилар. Сесканиб уйғониб қараса, туш экан. Ушбу воқеадан сўнг Собитхон тўра: «Мен жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юртларига нолайиқ эканманда», деб, уч кун зорланиб, йиғлаб ибодат қилади. Учинчи куни яна туш кўради. Бу сафар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аниқ ва равшан қилиб, «Ватанга қайтиб, умматларимни йўлга солинг» дебдилар. Бу гал ҳам Собитхон тўра сесканиб уйғониб кетибди. Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Ватанимга қайтишимни хоҳляптилар, дебди. Шундан сўнг Мадинадаги хужраи саодатга бориб, Аллоҳга қуллик ва шукроналик ила ибодат қилиб чиқсалар, ташқарида бир киши Собитхон тўрани

чиқишларини кутиб турган экан. Ҳалиги киши Собитхон тўрага пешвоз чиқиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу башорат муборак бўлсин дебдилар. Ушбу воқеа сабаб Собитхон тўра она юрти Наманганга қайтиб келади.

Тарихдан маълумки, Нақшбандия-мажзубия тариқатининг Қўқон хонлиги худудида тарқалиб, кенг ривож топишида Абдулазиз Мажзуб Намангоний ва унинг авлод ва муридларининг ҳиссаси беназир. Айниқса, Мажзубнинг набираси Атоуллохон тўра ва ҳожи Муҳаммад эшонларнинг (Хожимат эшон номи билан машҳур) хизмати кўп бўлган.

Бир куни Атоуллохон тўранинг шогирдларидан бири: «Устоз сиздан кейин сулукингни ким тебратади», деб сўрайди. Шунда Атоуллохон тўра: «Албатта Собитхон тўра давом эттирадилар», дея айтган эканлар.

Ўша пайтларда Собитхон тўра Макка ва Мадинада устозлик қилар эканлар. Атоуллохон тўра вафотларидан кейин ҳожи Муҳаммад эшон: «Эҳ Собитхон аттанг! Ҳол илмидан бенасиб қолдинг», деб тез-тез эслаб турар эканлар. Агар тариқатдаги солиқнинг ҳол илми бўлмаса, муршидлик қила олмас экан. Орадан бир неча кун ўтиб, хонақоҳга Собитхон тўра ўзлари кириб келган эканлар. Ҳожи Муҳаммад эшон қаландарларга тез ҳовуз сувини қуритишни буюрибдилар. Улкан ҳовуз сувини дарров қаландарлар олиб қуритишибди. Ҳожи Муҳаммад эшон енгларини шимариб, ҳовузнинг балчиғидан олиб, Собитхон тўрани бошдан оёқ лой билан бежаб қўйибдилар. Сўнгра ҳожи Муҳаммад эшон Собитхон қўлингни бер деб, қўлларини бир муддат қисиб, сени байъатинг шу, биз сени муридликка қабул қилдик. Энди уйинга бор, деб жавоб берибдилар. Собитхон тўра: «Алҳамдулиллаҳ! Арабистондан тўғри хонақоҳга келганим бежизга эмас экан. Ҳазрати эшон ҳовузлиридаги балчиқ қалб кўзимни очиб қўйди», дебдилар. Собитхон тўра хонақоҳдан чиқмай туриб, хурсанд бўлиб, барча ўрганганларимнинг аслини ва илми ҳол нималигини тушиниб етдим, деган эканлар[1].

*(Давоми бор)*

**Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи,**

**Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.**

[1] Ушбу маълумотлар Ҳожи Муҳаммад эшон авлодларининг шахсий архивидан олинди.